

“O‘zbekiston MET” AJ
Акциядорларининг 2026 йил
23-февралдаги 3- сон навбатдан
ташқари умумий йиғилиши баёни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

“O‘ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI” AJ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ
Н И З О М
(янги таҳрирда)

Тошкент шаҳри – 2026 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони ва 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-163-сон қарори ҳамда “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) уставига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу низом Кузатув кенгаши мақомини белгилайди ва Жамият кузатув кенгаши ишини, унинг аъзоларини сайлашни, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Ушбу Низомда акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгашини (кейинги ўринларда – Кузатув кенгаши) ташкил этиш ва бошқариш, унинг аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини белгилаб берувчи меъёрлар келтирилган.

1.3. Кузатув кенгаши жамият фаолиятида умумий раҳбарликни амалга оширади, фақатгина конун ҳужжатларида ва Жамият Уставида акциядорнинг ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

1.4. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида функцияларни тақсимлаш Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун Кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1 Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (*етти*) кишидан иборат, шулардан 3 (уч) нафари мустақил аъзодан иборат.

2.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, жамият ижроия органининг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам тинглаш;

- Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқилиши учун масалаларни киритиш, фақатгина Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 65-моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқилиши учун масалаларни тайёрлаш;

- мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Жамият ижроия органининг аъзоларини сайлаш (тайинлаш), (жамият раисидан ташқари), уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

- замонавий фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали менежерлар, шунингдек чет эл менежерларини жалб қилиш

бўйича эълон қилиш тартиблари, объектив танлов мезонлари, ишга қабул қилиш тавсифига эга бўлган раҳбар лавозимлари учун танловни ўтказиш тартиби тасдиқланган ҳолда, ижро этувчи орган раҳбари ва унинг аъзолари лавозимига танловни ташкил этиш;

- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган иш ҳақи ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг максимал миқдорларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини амалга ошириш тўғрисида”ни 207-сон қарори билан белгиланган самарадорликнинг асосий кўрсаткичларини бажариш учун кўрсатилган тўловларга нисбатан белгилаш;

- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини акциядорларининг умумий йиғилишига маъқуллаб киритиш;

- Корпоратив маслаҳатчи-котибият ташкил этиш ва унинг фаолияти тартибини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш (*ушбу банд агар жамият уставида корпоратив маслаҳатчи-котибият жорий этиш назарда тутилган бўлса*);

- Корпоратив маслаҳатчи-котибият мудирини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

- Корпоратив маслаҳатчи-котибият ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини белгилаш;

- Ижроия органи аъзолари фаолиятларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бажарилишидан келиб чиқиб, **молиявий йил натижаларига кўра** Жамият Ижроия органи аъзоларини қўшимча мукофотлашга оид қарорларни қабул қилиш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Жумладан, келгуси йил учун жамиятнинг бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида тасдиқланиши керак;

- ички аудит хизматини яратиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини тинглаш;

- Жамият ижроия органи фаолиятига тегишли ҳар қандай ҳужжатлар ва улардаги Жамиятнинг Кузатув кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун ижроия органдан олиш. Олинган ҳужжатлар Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари томонидан фақат расмий мақсадларда ишлатилиши мумкин;

- халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган аудиторлик текшируви, шу жумладан, Жамиятнинг молиявий ҳисоботининг ташқи аудитини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматлари учун тўловининг миқдорини белгилаш тўғрисида;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби бўйича тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг захира ва бошқа маблағларидан фойдаланиш;

- Жамиятнинг филиалларини яратиш ва ваколатхоналарини очиш;

- шўба ва қарам хўжалик жамиятларини яратиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида тузилади);

- Жамиятнинг соф активлари миқдорининг ўн беш фоиздан эллик фоизигача бўлган мол-мулк сотиб олиши бўйича йирик битим тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг аффилланган шахслар билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонунларда белгиланган тартибда Жамият иштирокида тижоратда ва нотижорат бўлган ташкилотлар билан битимлар тузиш;

- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга конвертатсия қилинадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг Устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, шунингдек, Жамият Устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва Жамиятнинг эълон қилинган акцияларининг сонини камайтириш билан боғлиқ равишда жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) чиқариш тўғрисидаги қарорни ва эмиссия проспектини тасдиқлаш;

- қимматли қоғозларни (акцияларни, облигацияларни) чиқариш тўғрисидаги қарорга ва эмиссия проспектига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

- акцияларни (биржада ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташкил этилган бозорида) жойлаштириш нархини белгилаш;

- Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

- Жамиятдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилот танлови асосида жалб қилиш;

Жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча

фаолият билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш ишлари киради.

2.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши корпоратив бошқарув кодекси ва корпоратив бошқарув қоидаларининг тавсияларини бажариш учун қўйидагиларни амалга оширади:

- Жамиятда тузилган ижроия органи, ички назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва зарурат бўлганда, Жамиятни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва уларда белгиланган мақсадларга эришилишини назорат қилиш учун мутахассисларни жалб қилиш;

- Жамият ташкилий тузилмасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва доимий равишда баҳолаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, шунингдек йиллик молиявий ҳисоботни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ нашр этишга ўтишни таъминлаш;

- Корпоратив бошқарув кодекси ва корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларининг бажарилишини назорат қилиш.

- Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалалар бўйича қарорлар киритилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар Жамият ижроия органининг қарорига ўтказилиши мумкин эмас.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТДАН ОЛДИН ТУГАТИШ

3.1. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш қонун ҳужжатларида ва жамият Уставида белгиланган тартибда акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланадиган.

3.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида белгиланади. Шу билан бирга, жамият кузатув кенгаши камида битта мустақил аъзони (лекин унинг уставида назарда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг камида 15 фоизини) ўз ичига олади ва мустақил аъзо номзодини кўрсатиш акциядор томонидан амалга оширилади.

3.3. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари учун мезон корпоратив бошқарув кодексида ва корпоратив бошқарув қоидаларида белгиланган.

3.4. Жамият Кузатув кенгашига сайланган шахслар чекланмаган равишда қайта сайланиши мумкин.

3.5. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва унинг аъзолари Жамият кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.6. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари айти шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлайдиган шахслар бўлиши мумкин эмас.

3.7. Кузатув кенгашининг сайланган аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш акциядор умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади.

3.8. Жамият Кузатув кенгашига сайланган шахслар корпоратив менежернинг малака сертификати (давлат улуши бўлган жамиятлар учун) ёки Корпоратив бошқарув илмий-ўқув марказининг сертификати эга бўлишлари керак.

3.9. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

3.10. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони Жамият Кузатув кенгашига сайланадиган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарзда олинган овозларни битта номзодга тўлиқ бериш ёки уларни икки ёки ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга.

3.11. Энг кўп овоз олган номзодлар Кузатув кенгашига сайланган деб ҳисобланади.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ

4.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси, Кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг аъзолари орасидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилилик овози билан сайланади.

4.2. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилилик овози билан қайта сайлаш ҳуқуқига эга.

4.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил қилади, кузатув кенгашининг мажлисларини чақиради ва раислик қилади, мажлисларда баённомалар юритилишини ташкил қилади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Жамият Кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг функцияларини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

4.5. Кузатув кенгаши раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс Жамият номидан Жамиятнинг Бошқарув органи аъзолари билан шартномаларни имзолайди.

4.6. Кузатув кенгаши раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс (Кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинлов ва ҳақ тўлаш Қўмитаси раиси) Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари томонидан тақдим этилган

бажарилган ишларга оид далолатнома(лар)да кўрсатиб ўтилган ишларни тасдиқлаши мумкин.

V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИ

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини кузатув кенгаши раиси ўз ташаббуси, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзолари, жамиятнинг овоз берадиган акцияларининг камида бир фоизига эга бўлган акциядорлар (акциядор) талабига биноан чақирилади.

5.2. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Мажлисида қуйидагилар кўриб чиқилади:

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг бориши тўғрисида, жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида, жамиятнинг таркибига кирадиган корхоналар ўзларининг бизнес-режалари билан тасдиқланган, шунингдек, жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари билан тасдиқланган кўрсаткичлар бўйича амалга оширилган ишлар ва самарадорлик кўрсаткичларига эришиш тўғрисида ҳисобот;

- Ички аудит ҳисоботи;

- Аффилланган шахслар билан ёки Жамиятдаги йирик битимлар мавжудлиги тўғрисида ушбу операциялар учун қонун ҳужжатлари ва жамият ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

- Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгашининг сайланган аъзолари сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил қилиши керак.

5.3. Кузатув кенгаши аъзолари сони уставда назарда тутилган соннинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришга мажбурдир. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида, шунингдек бошқарув раиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, вақтинча тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

5.4. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Жамият Уставида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, иштирок этганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалаларни ҳал қилишда, кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

5.5. Жамият Кузатув кенгаши раиси, агар кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлса, ҳал қилувчи овозга эга.

5.6. Жамият кузатув кенгаши аъзолари кузатув кенгаш мажлиси кун тартибидаги масалалар бўйича давлат сирлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик талаблари асосида муҳокамада қатнашиши лозим.

5.7. Жамиятнинг Устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар Жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.8. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси томонидан овозларни кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга ўтказишига йўл қўйилмайди.

5.9. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай тузилади.

5.10. Мажлис баённомаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мажлис ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- мажлисда қатнашган шахслар;
- мажлис кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш натижалари;
- қабул қилинган қарорлар.

5.11. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси, баённома тўғрилиги учун жавобгар бўлган Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

5.12. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамият бошқарув раисига ижро этиш учун тақдим этилади. Агар Кузатув кенгаши мажлисида кун тартибидаги масалалар акциядорларининг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинса, ушбу қарор тўғрисидаги маълумотлар Жамият бошқаруви раисига кузатув кенгаши мажлисида ўтказилади.

5.13. Жамият кузатув кенгаши мажлисларига котиблик қилиш ва баённома юритиш вазифасини бажарувчи шахсни белгилайди. Бунда, кузатув кенгаши котиби сифатида корпоратив маслаҳатчи, қимматли қоғозлар бўйича мутахассис бўлиши мумкин.

5.14. Кузатув кенгашининг қарорлари овоз бериш йўли билан ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолда, Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан овоз бериш йўли билан (сиртдан овоз бериш йўли билан) қабул қилиниши мумкин.

Агар техник воситалар, Кузатув кенгаши аъзоларини идентификация қилиш воситалари ва бошқа жиҳозлар мавжуд бўлса, Кузатув кенгашининг мажлислари видеоконференция режимида ўтказилиши мумкин.

5.15. Жамият кузатув кенгаши мажлиси масофадан туриб ахборот коммуникация технологияларини, шу жумладан видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилиши мумкин, бунда мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзолари кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишлари ва улар бўйича овоз беришлари мумкин, бироқ мазкур низомнинг 5.6-бандидаги ҳолатлар бундан мустасно. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўрсатилади, ушбу мажлис сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилган деб эътироф этилмайди.

5.16. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижро органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижро органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

5.17. Ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган, Жамиятнинг ижроия органи — Бошқаруви аъзолари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) (кейинги ўринларда — самарадорлик кўрсаткичлари)га қараб:

- самарадорлик кўрсаткичлари бажарилганлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ташкилотлар ёки Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари томонидан тасдиқланади, бундан натижаси автоматик тарзда шакллантириладиган самарадорлик кўрсаткичлари мустасно;

- ҳар бир самарадорлик кўрсаткичига белгиланадиган салмоқ ўлчови йиғиндисидан келиб чиқиб, самарадорлик кўрсаткичлари улар бажарилиши 70 фоиздан кам бўлганда — “қониқарсиз”, 70 фоиздан 85 фоизгача — “қониқарли”, 85 фоиздан 100 фоизгача — “яхши” ҳамда 100 фоиз ва ундан юқори бўлганда “аъло” деб баҳоланади;

- республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини рағбатлантириш тўловлари миқдори уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб белгиланади;

- чорак якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари “қониқарсиз” деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига рағбатлантириш тўловлари келгуси уч ой учун тўхтатилади ва уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш масаласи кўриб

чиқилади, бундан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида самарадорлик кўрсаткичлари асослантирилган сабабларга кўра бажарилмаганлиги тасдиқланган ҳоллар мустасно;

- йил якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари “қониқарсиз” деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига нисбатан уларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги масаласи кўриб чиқилади.

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқлари:

- Кузатув кенгашининг мажлисида шахсан иштирок этиши, мажлисда муҳокама қилинган масалалар бўйича регламентда белгиланган муддат ичида сўзга чиқиши;

- Кузатув кенгашининг қарори билан муайян вақт давомида Жамиятнинг фаолияти тўғрисида, уни ривожлантириш режалари тўғрисида маълумот олиш;

- қонун ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда кузатув кенгашида ишлаганлиги учун иш ҳақи (мукофот) ва (ёки) компенсация олиш;

- қонун ҳужжатларида ва Жамият уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар;

- Кузатув кенгаши ҳузурида энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этиш, шу жумладан Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинлов ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси.

6.2. Кузатув кенгаши аъзоларининг мажбуриятлари:

- тузилаётган битим тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдиришнома юбориш орқали Жамият томонидан ушбу битимга алоқадорлиги тўғрисида жамиятни ҳабардор қилиш;

- ўз вазифаларини виждонан, шунингдек, Жамият манфаатлари учун энг мақбул деб ҳисоблаган тартибда бажариши;

- қонун ҳужжатларида ва Жамият уставида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

6.3. Кузатув кенгаши аъзолари шахсий манфаати йўлида Жамиятнинг имкониятларидан (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлар, иқтисодӣ фаолият

соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги маълумотлар) фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

6.4. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб виждонан ва оқилона иш тутиши, уларга маълум бўлган махфий маълумотларни ва хизмат ҳамда тижорат сирини ташкил этувчи Жамият ҳужжатларини ошкора қилмасликлари лозим.

6.5. Аффилланган шахс бўлган Кузатув кенгашининг аъзоси Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдирги юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт.

VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз вазифаларини бажаришда, Жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилишлари ҳамда қонунлар ва Жамият Уставига мувофиқ Жамият олдида жавоб беришлари шарт.

7.2. Бир неча шахс жавобгар бўлган тақдирда, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги умумий ҳисобланади.

7.3. Овоз беришда қатнашмаган ёки Жамиятни зарар кўришига олиб келган қарорга қарши овоз берган Кузатув кенгаши аъзолари, жавобгарликка тортилмайди, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 90-моддасида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

7.4. Жамият ёки жамиятнинг муомалада бўлган акцияларининг камида бир фоизига эгалик қиладиган акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида Кузатув кенгаши аъзосига қарши даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ

8.1. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилади.

8.2. Жамиятда кузатув кенгаши қарори билан қуйидаги қўмиталар ташкил этилади:

Стратегия ва инвестициялар қўмитаси;

Аудит қўмитаси;

Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси;

Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси;

Таваккалчиликларни бошқариш бўйича қўмита (*ушбу қўмита жамият ихтиёрига кўра ташкил этилиши мумкин*).

8.3. Барча қўмиталарнинг фаолияти қўмита таркиби, ваколатлари, иш тартиби ҳамда аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби қоидаларни ўз ичига олган ички ҳужжатлар билан тартибга солинади.

8.4. Қўмиталар таркиби кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлади. Зарур ҳолларда қўмиталар ишига Жамият ижро органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва ташқи экспертлар жалб этилиши мумкин.

8.5. Қўмиталар аъзолари Жамият кузатув кенгаши раисининг тавсияси асосида кузатув кенгаши аъзоларидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. кузатув кенгаши қўмита аъзолари орасидан қўмита раисини тайинлайди.

8.7. Қўмита мажлисида унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок қилса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда қўмита раиси иштирок этиши шарт. Мажлисида қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ҳар бир қўмита аъзоси бир овозга эга.

8.8. Қўмитанинг қарори мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома қўмита котиби томонидан юритилади ва у овоз беришда қатнашган аъзолари томонидан имзоланади.

IX. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МУСТАҚИЛ АЪЗОСИ

9.1. Ушбу низомнинг 3.1.-бандига мувофиқ Жамият кузатув кенгаши таркибига 2 нафар мустақил аъзо киритилган. ушбу аъзолар ҳар йили қайта сайланиши мумкин.

9.2. Қуйидаги шахс Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 76-моддасида мустақил аъзолар учун белгиланган талабларга мувофиқ келган Кузатув кенгаши аъзоси эътироф этилади.

9.3. Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси сифатида сайланиши учун, қонунчилик ҳужжатлари билан мустақил аъзолик учун белгиланган талабларга мос келувчи қуйидаги шахслар таклиф қилиниши мумкин:

- профессионал жамиятлар ёки ташкилотларнинг аъзолари бўлган шахслар;

- олий таълим ва/ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари;

- ушбу Жамият билан боғлиқ бўлмаган (аффилиланган бўлмаган) бошқа ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳисобланган, корпоратив қонунчилиқни биладиган ҳамда корпоратив бошқарув усуллари ва тамойилларидан хабардор бўлган шахслар;

- сўнгги уч йил мобайнида нафақада бўлган, ушбу Жамиятда узоқ вақт ишлаган ва корхонани бошқариш соҳасида катта тажрибага эга бўлган шахслар;

- молиявий таҳлил ўтказиш, стратегик режалаштириш бўйича тажриба ва кўникмаларга эга бўлган чет эл мутахассислари.

9.4. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бошқа аъзолар билан бир хил вазифаларни мазкур низомда белгилаб ўтилган тартибга мувофиқ бажариб, қарорлар қабул қилинишида мустақиллик тамойилини таъминлайди.

Х. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10. 1. Кузатув кенгаши аъзоларини моддий рағбатлантириш “Акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом” асосида амалга оширилади.

10. 2. Кузатув кенгаши аъзоларини зарур материаллар билан таъминлаш, шунингдек акциядор ва инвесторлар билан муносабатлар учун жавобгар Жамиятнинг тегишли бўлинмаси бўлиб, унга кузатув кенгаши котиби вазифалари юклатилган.

10. 3. Акциядор ёки кузатув кенгаши томонидан тайинланган котиб, шунингдек, Жамият кузатув кенгашининг котиби ҳисобланади ва унга қуйидаги вазифалар юклатилади:

- кузатув кенгаши аъзолари, ижроия орган ва ўртасида ўзаро алоқада бўлган шахс сифатида ҳаракат қилиш;
- кузатув кенгаши мажлислари учун ҳужжатларни тайёрлаш;
- акциядорга тақдим этиш учун ҳужжатларни тайёрлаш;
- кузатув кенгаши номидан чиқарилган масалалар бўйича қарорлар лойиҳаларини ва акцияларни кўриб чиқиш учун тақдим этиш;
- акциядор томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида кузатув кенгаши, ижроия органи, ички аудиторга хабар бериш;
- кузатув кенгаши мажлисларида акциядорнинг иш бошқарувчиси ва котибнинг вазифаларини бажариш;
- кузатув кенгашининг мажлис баённомаларини юритиш;
- кузатув кенгашининг мажлис баённомаси ўтказилгандан кейин 10 кундан кечиктирмай тузиш;
- кузатув кенгашлари мажлисларини ўтказиш учун ҳужжатлар йиғиш, мажлисларни тайёрлаш босқичида Кузатув кенгаши аъзоларининг иш материаллари билан танишишини таъминлаш;
- Кузатув кенгаши мажлисларида ва акциядорлар учун материаллар рўйхати, жойлашуви ва нусхаларини кўпайтирилишини таъминлаш;
- акциядорларга, кузатув кенгаши аъзоларига, ижроия органи аъзоларига кузатув кенгаши мажлислари учун тайёрланган материалларни тарқатиш.

10.4. Ўз вазифаларини бажариш учун акциядор ёки кузатув кенгаши томонидан тайинланган котиб, кузатув кенгаши котиби вазифалари билан бир вақтда ҳаракат қилиб, кузатув кенгаши ёки акциядорнинг қарорига биноан пул мукофотини олишга ҳақлидир.

10.5. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

10.6. Агар ушбу Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар нуктаи назаридан, тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Уставининг меъёрлари асосида бошқарилиши керак.